

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-1

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-1



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-SI-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affer
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Artur Gambaryan
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Жолдасов Айдос Фархадович ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ.....	5
2. Саидбоева Махбуба Рахмонназаровна ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ УЧАСТИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ В ИЗБИРАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ В УЗБЕКИСТАНЕ И ТАДЖИКИСТАНЕ.....	17
3. Искендеров Полат Конисбаевич АВТОНОМ (ҲАЙДОВЧИСИЗ) ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	26
4. Мейлиева Наргис Зульфиковна ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОРТУГАЛИЯ НОТАРИАТИ.....	35
5. Сайдивалиева Хуршида Ходжиақбаровна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕЛИШУВ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	42
6. Vozorov Jasurbek Saydulla o'g'li SHAXSLARNING HUQUQ VA ERKINLIKLARINING PROKUROR TOMONIDAN HIMOYA QILINISHI.....	50
7. Акбаралиева Мухайё Караматулло кизи ПОХИЩЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА И ЗАХВАТ ЗАЛОЖНИКА: РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ СОСТАВАМИ.....	57
8. Алиев Асилбек Кадиорович ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА.....	64
9. Allanova Azizaxon Avazxonovna DAVLAT CHEGARASINI KESIB O'TISH BILAN BOG'LIQ JINOYATLAR UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI AMALGA OSHIRISHDA HUDUD MASALASI.....	71
10. Алтиев Раззок Саидович ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	80
11. Бобокулов Хамид Махмадутович ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ.....	89
12. Otaboyev Bobur Ibrat o'g'li TERRORIZMNI MOLIYALASHTIRISH JINOYATINING OBYEKTI.....	96



Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна,
 “Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи,
 юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
 E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

**ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ
 КЕЛИШУВ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ
 ЖИХАТЛАРИ**

For citation: Meylieva Nargis Zulfikarovna. LEGAL AND PRACTICAL ASPECTS OF REGULATING RELATIONSHIPS OF PARENTAL RIGHTS THROUGH AGREEMENT. Journal of Law Research. 2025, Special issue 1, pp. 42-49

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14679687>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада никоҳдан ажралиш жараёнида болалар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ўрганилади. Ажралиш жараёнида ва ажралишдан сўнг юзага келадиган низоли ҳолатларнинг болаларга етказадиган ижтимоий ва психологик таъсирини камайтириш учун келишув орқали ҳал этиш механизмлари таҳлил қилинади. Мақолада болалар манфаатларини инобатга олиш, ота-она ўртасидаги келишувларнинг ҳуқуқий асослари, ҳамда уларнинг ижтимоий аҳамияти ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мавжуд норматив-ҳуқуқий базанинг бу борадаги роли кўриб чиқилади. Ушбу мақола ота-она ажралишидан сўнг юзага келадиган ҳолатларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: болалар, никоҳ, ажралиш, келишув, низо, ҳуқуқ, манфаат, ота-она, қонун, ҳимоя, тартиб.

Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна,
 Начальник отдела Научно-исследовательского института «Семья и гендер»,
 доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент
 E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

**ПРАВОВЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ОТНОШЕНИЙ ПО
 СОГЛАШЕНИЮ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ РОДИТЕЛЬСКИХ ПРАВ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы защиты интересов детей в процессе расторжения брака. Проанализированы механизмы компромиссного разрешения конфликтных ситуаций, возникающих в процессе развода и после развода, с целью снижения их социального и психологического воздействия на детей. В статье освещены правовые основы учета интересов

детей, соглашений между родителями, а также их социальная значимость. Также будет рассмотрена роль действующей нормативно-правовой базы в этом отношении в законодательстве Республики Узбекистан. Данная статья содержит научно-практические рекомендации, направленные на обеспечение защиты прав и интересов детей в ситуациях, возникающих после развода родителей.

Ключевые слова: дети, брак, развод, соглашение, конфликт, право, интерес, родители, закон, защита, порядок.

Saydivaliev Khurshida Khodjiakbarovna,

Head of department of the scientific research institute "Family and gender",

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

LEGAL AND PRACTICAL ASPECTS OF REGULATING RELATIONSHIPS OF PARENTAL RIGHTS THROUGH AGREEMENT

ANNOTATION

This article examines the protection of children's interests in the process of divorce. To reduce the social and psychological impact of conflict situations arising during and after divorce on children, mechanisms for resolving conflicts through agreement are analyzed. The article highlights the legal basis for taking into account the interests of children, the agreements between parents, and their social significance. The role of the existing legal framework in the legislation of the Republic of Uzbekistan in this regard will also be considered. This article contains scientific and practical recommendations aimed at ensuring the protection of the rights and interests of children in situations arising after parental divorce.

Keywords: children, marriage, divorce, agreement, dispute, right, interest, parents, law, protection, order.

Никоҳдан ажралиш нафақат ота-оналар, балки энг аввало болалар учун жиддий ижтимоий, руҳий оқибатларга эга жараён ҳисобланади. Болаларнинг руҳий барқарорлиги, уларнинг шахс сифатида шаклланиши ва ижтимоий муҳитга мослашиши жараёнида ота-она муносабатларининг ижобийлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ажралиш жараёнида ота-оналар ўртасидаги низоли вазиятлар кўпинча болаларнинг манфаатларига зид бўлган қарорлар қабул қилинишига ёки болаларда руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келади. Шу сабабли, ота-оналар ажралиш жараёнида ва ундан кейин болалар манфаатларини устувор қоида сифатида қабул қилиб, низоларни келишув йўли билан ҳал этишга интилишлари лозим. Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ёши ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда яшаш жойини белгилаш, ҳамда алоҳида яшовчи ота ёки онанинг бола билан мулоқоти учун шароит яратиш орқали ижобий муҳит таъминланади. Никоҳдан ажратиш жараёнида болалар манфаатларини ҳимоя қилиш нафақат уларнинг ёшлик давридаги барқарорлиги, балки келгусида жамиятнинг муқаммал ва мустаҳкам аъзоси бўлиб улғайишини таъминлаш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис, ота-оналар ўртасидаги келишувлар ва низоли ҳолатларни самарали ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш бу борада устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

2024 йил январь-сентябр ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 34,0 минг бирликни ташкил этиб, шундан шаҳар жойларида 21,1 мингтани (62,0 %), қишлоқ жойларида 12,9 мингтани (38,0 %) ташкил этди.

Никоҳдан ажрашганларнинг 1 нафар фарзанди билан никоҳдан ажралишлар сони 9 863 тани, 2 ва ундан ортиқ фарзанд билан никоҳдан ажралишлар сони 7 986 тани ва фарзандсиз никоҳдан ажралишлар сони 16 135 тани ташкил этди. Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши эркаклар учун 35,2 ёшни, аёллар учун 32,4 ёшни ташкил этган. Никоҳдан ажрашганларнинг энг катта улуши 35 ёшгача бўлган ажралаётган аёлларга тўғри келган, яъни жами никоҳдан ажрашганларнинг 64,3%ини ташкил этган. Никоҳдан ажралишларнинг энг кўп

улуши Тошкент шаҳрида 13,0 % га, Андижон вилоятида 10,7 % га, Фарғона вилоятида 10,6 % га, Самарқанд вилоятида 10,2 % га ва Тошкент вилоятида 10,1 % га тенг бўлган. Никоҳдан ажралишлар сонининг улуши нисбатан кам Навоий вилоятида 2,7 %, Сирдарё вилоятида 3,3 %, Жиззах вилоятида 3,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида 4,0 % ва Хоразм вилоятида эса 4,2 % ни ташкил этган[1].

Кўриб турганимиздек, никоҳдан ажралиш жараёни болаларга жиддий таъсир ўтказди ва бу орқали турли муносабатлар юзага келади. Кўп ҳолатларда, ота-она алоҳида яшай бошлаганда, болаларнинг тарбиясида маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Бу жараёнда ота-онанинг ҳар иккиси ҳам болаларнинг тарбияси ва манфаатларига бирдек масъул эканлиги қонунчиликда мустаҳкамланган.

У.Махмудходжаева[2]нинг таъкидлашига кўра, боладан алоҳида яшаётган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий муаммолардан бири ажралишнинг ўзи эмас, албатта. Балки ота-оналар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар даражаси, болаларнинг низолаб дуч келишлари (шу жумладан, ота-оналарнинг ўз фарзандларини низога жалб қилишлари), уларнинг ўз фарзандлари эҳтиёжларини қондира олмасликлари, руҳий ҳолати, ажралишнинг молиявий таъсири, фарзанднинг ажралиш ҳақидаги тасаввурлари, ота-онанинг манфаатлар тўқнашувида болага руҳий ва маънавий зиён етиши билан боғлиқ муаммолар ҳам вужудга келишига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституция[3]сининг 77-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилиш мажбурияти аниқ белгилаб берилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 66-моддасида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига бўлган масъулияти қайд этилган. Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топиллиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга. Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамокқа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга. Боланинг шахсий ривожланиши ва руҳий барқарорлиги учун унинг оилавий муҳитда қолиши жуда муҳимдир. Қариндошлар билан мулоқот боланинг ижтимоий ўрнини белгилашга ва унинг шахс сифатида ривожланишига ёрдам беради. Никоҳдан ажралиш, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топиллиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларини чеклаш ёки заифлаштириш учун асос бўла олмайди. Бола ота ёки онасидан бири билан яшамаган ҳолларда ҳам уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ота-она ўртасидаги муносабатлардан қатъи назар, боланинг шахсий алоқада бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам боланинг улар билан кўришиш ҳуқуқи сақланади.

Оила кодекси[4]нинг 76-моддасига биноан боласидан алоҳида турадиган ота ёки она боласи билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

Никоҳдан ажралиш жараёни кўпинча унинг барча иштирокчилари учун узоқ ва оғир жараён ҳисобланади. Айниқса, вояга етмаган ёшдаги болаларга эга бўлган эр ва хотин учун ажралишдан олдин ёки кейин уларни тарбиялаш ва таъминлаш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби муҳим масалага айланади. Ҳозирги кунда қонунчиликда бу муносабатларни ҳал

қилишнинг икки усули мавжуд: суд орқали ва эр ҳамда хотин ўртасида тузиладиган келишув орқали.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми[5]нинг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” 23-сонли Қарори кўра, суд мазкур туркумдаги ишларни судда кўришга тайёрлаш, низони ҳал қилишда аҳамиятга эга ва тарафлар томонидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаши керак, бунда асосий эътиборни айнан боланинг ота-онаси ёхуд бошқа тарбияладиган шахсларнинг шахсий хусусиятларига, шунингдек бола билан шу шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларга қаратиш кераклиги қайд этилади.

Бундай ишлар, фарзандни тарбиясига беришни талаб қилаётган шахсларнинг васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тегишли тартибда тузилган ва тасдиқланган турмуш шароитларини текшириш хулосаларини олгандан сўнг кўришга тайинланади. Суд мазкур масала юзасидан низони мазмунан кўраётганда ота-онанинг ҳуқуқлари тенглиги тамойили ва бола манфаатларида турли хил ҳолатларни инобатга олади. Заруратга қараб, суд томонидан суд-психологик экспертизаси тайинланиши лозим, бундай экспертиза ота-оналар (улардан бири)га нисбатан, аҳволни психологик таҳлил қилиш (оилавий можаро) бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Бироқ суд экспертизасининг хулосаси, васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси ҳам далиллардан бири бўлиб, ишдаги бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда суд томонидан баҳоланиши лозимлигини эътиборга олиши керак.

Боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда у билан кўришишда, шунингдек вояга етмаганнинг шу ота-она билан кўришиш ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқиб, суд ҳар бир аниқ ишнинг ҳолатларини инобатга олиб ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрилиш тартибини (вақти, жойи, кўришиш давомийлиги ва ҳ.к) баён этиши лозим. Бола билан ота-онанинг кўришиш тартибини белгилашда боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғи, унинг ахлоқий камолотига таъсир қиладиган ҳолатлар, боланинг ёши ва соғлиғининг ҳолати, боланинг ота (она)га боғлиқлиги ва бошқа ҳолатлар инобатга олинади, Белгиланган кўришиш тартиби боланинг манфаатига жавоб бериши ва ижро этиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Истисно ҳолларда, боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг бола билан кўришиши унга зарар етказиши мумкин бўлса, суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 75-моддаси 2-қисмига мувофиқ, ота-онанинг ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмаслигидан келиб чиқиб, суд ота-онанинг бола билан кўришиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъвосини, қабул қилинган қарорда асослангирган ҳолда рад қилишга ҳақли. Суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатадики, суд томонидан кўпинча эр ва хотинни баробар тенг қониктирадиган қарорларни қабул қилиш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди. Бу ҳолат асослидир, чунки судья, одатда, оиланинг собиқ аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатларини, масалан, уларнинг мулоқот хусусиятларини, болани тарбиялашда ҳар бир ота-онанинг ўрнини, эр ва хотиннинг моддий ҳолатини ва бошқа кўплаб жиҳатларни ҳисобга олиш имконига эга эмас. Болаларни тарбиялаш ва таъминлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишнинг барча эҳтимолий вариантларини аниқлаш учун қонунчилик ажрашган (ёки ажрашмоқчи бўлган) ота-оналар ўртасида бу масалаларни тартибга солувчи келишувни тузиш имкониятини назарда тутади.

Бу борада бир қанча муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Биринчидан, ота-она ҳуқуқларини шартнома асосида амалга оширишда ота-она муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги асосий муаммоли жиҳатлар, ҳақида сўз юритганда, ягона ҳуқуқий стандартлар ва услубий тавсияларнинг йўқлигини таъкидлаб ўтиш жоиз ҳисобланади. Ота-

оналарга болани тарбиялаш ва боқиш тўғрисида шартномалар тузишга рухсат берувчи оила ҳуқуқи нормалари мавжудлигига қарамай, васийлик органлари, нотариуслар ёки воситачилар учун бундай шартномаларни қандай тўғри тузиш, қандай шартларни ўз ичига олиши кераклиги бўйича аниқ ягона кўрсатмалар мавжуд эмас ҳамда боланинг манфаатларини қандай ҳисобга олиш керак. Иккинчидан, бундан ташқари, ота-оналарнинг бу келишув ҳақидаги хабардорлиги ва ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада эмас. Қўшгина ота-оналар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, болани тарбиялаш ва таъминлаш бўйича шартномалар тузиш ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги ҳар доим ҳам боланинг манфаатларига мос келмайдиган ноқулай ёки расмий шартномаларни имзолаш хавфини келтириб чиқаради. Учинчидан, гарчи қонунчиликда боланинг манфаатлари устуворлиги белгилаб қўйилган бўлсада, амалда уларни баҳолаш кўпинча ота-оналар, васийлик органлари ва суднинг субъектив қарашларига боғлиқ. Шартнома шартларини текширишнинг аниқ мезонлари бўлмаса, сиз ота-оналардан бирининг манфаатларини қондирадиган вазиятга дуч келишингиз мумкин, лекин боланинг барқарорлик, моддий ва ҳиссий қўллаб-қувватлаш учун узоқ муддатли эҳтиёжларини ҳисобга олмайди.

Тўртинчидан, ота-оналар ўртасида келишув мавжуд бўлса ҳам, унинг бажарилишини таъминлаш кўпинча қийин. Васийлик органлари ҳар доим ҳам етарли ижро механизмларига эга эмас ва судга мурожаат қилиш узоқ вақт талаб қилиши мумкин, бу эса бола учун беқарор вазиятни яратади. Бундан ташқари, мавжуд келишувларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ҳаёт шароитлари ўзгарганда уларнинг шартларини қайта кўриб чиқишнинг тасдиқланган механизмлари мавжуд эмас.

Бешинчидан, медиация ва ихтисослашган мутахассисларнинг (психологлар, ўқитувчилар, ижтимоий-педагогик ходимлар) иштироки келишувлар сифатини сезиларли даражада ошириши мумкин. Бироқ амалда медиация тартиб-қоидаларини қўллаш бўйича аниқ меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас, бундай марказлар ва маслаҳат хизматларини тизимли давлат томонидан қўллаб-қувватланмайди, бу эса оилавий муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатлари мувозанатига эришишни қийинлаштиради.

Боладан алоҳида яшайдиган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув уч хил кўринишда тузулиши мумкин:

1. Боланинг (болаларнинг) яшаш жойини аниқлаш ва уларни тарбиялаш ҳамда таъминлаш бўйича ота-она ҳуқуқларини амалга ошириш (келишув 14 ёшгача бўлган нобалоғат ёшдаги болалар учун ишлаб чиқилган);
2. Боланинг (болаларнинг) яшаш жойини аниқлаш ва уларни тарбиялаш бўйича ота-она ҳуқуқларини амалга ошириш (келишув ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар учун ишлаб чиқилган);
3. Болани таъминлаш учун маблағ ажратиш ҳақида (келишув ўн тўрт ёшга тўлган болалар билан тузилади).

Ота-она ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича келишувни уч хил кўринишда ишлаб чиқиш зарурати вояга етмаган болаларнинг (ўн тўрт ёшгача ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача) турли даражадаги ҳуқуқий қобиляти ҳамда боланинг яшаш жойини аниқлаш ва уни таъминлаш учун маблағ ажратиш бўйича келишув иштирокчиларининг субъектив таркибидаги фарқлар билан боғлиқ[6].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 21-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган болаларнинг яшаш жойи уларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олганлар ёки васийлари яшайдиган жой деб тан олинади. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўзларининг яшаш жойини ота-онаси ёки васийларининг розилиги билан танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу қонунчилик нормалари боланинг манфаатларини таъминлаш ва унинг тарбиясига ҳар икки ота-онанинг бирдек масъуллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Боланинг яшаш жойи ва уни таъминлаш учун маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги келишув ажрим жараёнида эр ва хотин томонидан судга тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистон

Республикасининг Оила кодексига кўра (ОК, 41-модда), бундай келишув вояга етмаган болаларнинг манфаатларини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 44-моддаси қоидаларига мувофиқ, судга никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаш ҳамда вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаш мажбурияти юклатилган. Ушбу мажбурият болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ота-оналар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 71-моддасига кўра, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари). Ота-оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди.

Шубҳасиз, боладан алоҳида яшайдиган ота ёки она болани тўлиқ тарбиялай олмайди, чунки алоҳида яшашнинг ўзи мазкур ҳуқуқларни амалга оширишга маълум бир чекловларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда, ота-оналар боланинг яшаш жойини аниқлаш ёки боладан алоҳида яшайдиган ота-онанинг ота-она ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув тузишлари мумкин. Боладан алоҳида яшайдиган ота-онанинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида келишув тузиш афзалроқ, чунки бу келишув боланинг яшаш жойини, шунингдек, боладан алоҳида яшайдиган ота-она билан ўзаро мулоқот вақтларини, кунларини, жойини ва тартибини белгилаш имконини беради.

Ушбу келишувда боланинг таълими, спорт билан шуғулланиши, мусиқа дарслари, шунингдек, бола ҳақидаги маълумотлар (соғлиғи ҳолати, таълимдаги муваффақиятлари ва бошқалар) билан боғлиқ масалалар акс эттирилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 65-моддаси ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси[7]нинг 12-моддаси қоидаларини ҳисобга олиш зарур.

Ота-оналарнинг бола билан мулоқот қилиш тартиби тўғрисидаги келишуви оғзаки ёки ёзма шаклда тузилиши мумкин. Бундай келишувни тузиш ота-оналарнинг ҳуқуқи бўлиб, уларнинг мажбурияти эмас. Бола манфаатлари, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ота-оналар ҳуқуқларини таъминлаш ва бу турдаги низоларни ҳал қилиш қийинчилигини ҳисобга олган ҳолда, бундай келишувни ёзма шаклда тузиш мақсадга мувофиқдир амалиётда, эса улар кўпроқ оғзаки шаклда тузилади.

Бундай келишувнинг мавжудлиги ота-оналар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни боланинг руҳий ҳолатига зарар етказмаган ҳолда осонликча ҳал қилиш имконини беради.

Боладан алоҳида яшайдиган ота-она томонидан ота-она ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини белгилашда бола билан мулоқот қилиш шартларини аниқлаш муҳимдир, шу жумладан мулоқот жойи, вақти (соатлари ва ҳафта кунлари), мулоқотнинг давомийлиги ва учрашувлар тез-тезлигини аниқлаш лозим. Учрашув жойи кўпинча боланинг ёшига боғлиқ, чунки ўсмир бола учрашув жойини мустақил белгилаши ва бу келишувнинг ушбу қисмига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича келишув боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ота-онанинг ҳуқуқий жавобгарлигини таъминлаш учун муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бундай келишув ёзма шаклда тузилиб, ота-она ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ белгилайди. Келишув тузиш жараёнида боланинг ёши, кундалик турмуш тартиби ва таълим жараёни каби омиллар инобатга олинади. Ҳар икки ота-она ўз хоҳиши билан келишувни тасдиқлаши ва боланинг манфаатлари устувор қўйилиши шарт.

Келишув мазмуни қуйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Аввало, боланинг ким билан доимий яшаш келишилади. Бу ота-онанинг ҳар иккиси томонидан тасдиқланиши лозим. Шундан сўнг, боладан алоҳида яшайдиган ота ёки она учун бола билан учрашув жадвали белгилаб берилди. Бу жадвал кундалик, ҳафталик ёки байрам кунлари учун алоҳида кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, боланинг таълим ва ижтимоий ривожланишига оид

масалаларда ота-онанинг ҳар иккиси ҳам иштирок этиши шарт. Келишувда боланинг спорт, маданий ва ижтимоий тадбирларида ота-она қандай иштирок этиши кўрсатиб ўтилади.

Келишувнинг яна бир муҳим қисми молиявий таъминот масалаларидир. Бунда алиментлар тўлаш тартиби ва миқдори қайд этилади, шунингдек, боланинг қўшимча эҳтиёжлари учун молиявий ёрдам шартлари келишилади. Бу шартлар ҳар икки томоннинг келишуви асосида аниқланади. Агар ота-она ўртасида низо юзага келса, келишув судда кўриб чиқиши ва боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиниши мумкин.

Келишув боланинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ҳуқуқий ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эга. У боланинг ҳар икки ота-она билан доимий мулоқотда бўлишини таъминлаш ва уларнинг тарбиясида тенг ҳуқуқий жавобгарлигини мустаҳкамлайди. Бундай келишув, аввало, бола манфаатларига йўналтирилган бўлиб, ота-она муносабатларини тартибга солишнинг самарали механизmidир.

Бундай келишувни шошилиш ҳолда тузиш мумкин эмас. Ота-оналар намунавий келишув билан танишиб, барча муаммоларни тинчлик ва осойишталик билан муҳокама қилишлари, келишув шартларини бажариш бўйича имкониятлари ва хоҳишларини чуқур ўйлаб, ўзаро келишувга эришишлари мумкин.

Шундан сўнг, ҳуқуқшуносларга мурожаат этиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юридик жиҳатдан саводли тузилган келишувни тайёрлаш мумкин. Бундай келишувда, энг аввало, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда ота-она алоҳида яшаган ҳолларда болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган келишувлар кўплаб хорижий мамлакатларда қонунчилик билан тартибга солинади. Қуйида айрим давлатларнинг бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг манбалари келтирилган:

Россия Федерациясининг Оила кодекси[8]да ота-оналарнинг фарзандлари билан мулоқот қилиш ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган. Хусусан, 66-моддага кўра, ота-онадан бири боладан алоҳида яшаган тақдирда, бола билан мулоқот қилиш тартиби ота-оналар ўртасидаги келишув ёки суд қарори асосида белгиланади. Бу келишув боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши шарт.

Германиянинг Фуқаролик кодекси (Bürgerliches Gesetzbuch) 1684-параграфи[9]да ота-оналарнинг бола билан шахсий алоқада бўлиш ҳуқуқи қайд этилган. Агар ота-она алоҳида яшаса, бола билан учрашувлар тартиби ота-оналар ўртасидаги келишув ёки суд томонидан белгиланади. Бу жараёнда боланинг манфаатлари устувор аҳамиятга эга.

Буюк Британияда бола билан алоқада бўлиш тартиби "Children Act 1989" [10]қонуни билан тартибга солинади. Ота-оналар бола билан учрашувлар ва тарбиялаш масалалари бўйича келишув тузишлари мумкин. Агар келишувга эришилмаса, суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади.

Ота-она ҳуқуқларини амалга оширишда ота-оналар ўртасидаги муносабатларни келишув асосида тартибга солиш самарадорлигини ошириш учун қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва институционал қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришни ўз ичига олган комплекс ёндашувни амалга ошириш керак.

Биринчидан, ягона тавсиялар ва ота-оналар ўртасидаги келишувларнинг стандарт моделларини, шу жумладан минимал зарур шартларни (учрашувлар жадвали, харажатларни тўлаш тартиби, қўшимча тадбирларда иштирок этиш, низоларни ҳал қилиш механизми) қабул қилиш. Ушбу ёндашув ҳуқуқий ноаниқлик хавфини камайтиради ва натижанинг прогноз қилинишини оширади.

Иккинчидан, ота-оналар учун мактаб ва боғчаларда бола тарбиясининг ҳуқуқий жиҳатлари, шартномалар тузиш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ахборот кампаниялари, вебинарлар, маърузалар ташкил этиш. Юридик маслаҳатлар ва босқичма-босқич кўрсатмалар билан қулай онлайн платформаларни яратиш.

Учинчидан, оила ҳуқуқи даражасида боланинг манфаатлари устуворлигини таъминлаш ва субъектив ёндашувни минималлаштириш мақсадида шартномалар шартларини текшириш ва тасдиқлашда судлар, васийлик ва ҳомийлик органлари ва воситачиларга раҳбарлик қилиши мумкин бўлган батафсил мезон ва усулларни ишлаб чиқиш.

Тўртинчидан, оилавий низолар бўйича медиацияни институционализация қилиш, медиация марказлари, психологлар ва ижтимоий ходимларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кафолатлаш, бу низоларни дастлабки ҳал этиш даражасини ва боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда келишувлар ишлаб чиқиш даражасини сифат жиҳатидан оширади, шунингдек, судлар юқини камайтиради. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ота-оналар ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг сифати ва прогнозлилигини оширади, боланинг манфаатлари устуворлигини таъминлайди, унинг тарбияси ва ривожланиши учун янада барқарор ва ҳимояланган муҳит яратади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2> сайти маълумотлари асосида таҳлил қилинди. (Analyzed based on data from the site <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>)
2. Маҳмудходжаева У.М. Боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2022) Б. 48-53. (Mahmudkhodjaeva U.M. Problems of exercising parental rights of a parent living separately from a child // Lawyer's Bulletin – Lawyer Herald. No. 3 (2022) P. 48-53)
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси//<https://lex.uz/docs/6445145> (Constitution of the Republic of Uzbekistan)
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси // <https://lex.uz/docs/104720> (Family Code of the Republic of Uzbekistan)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” 23-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/1447402> (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated September 11, 1998 No. 23 “On the practice of applying laws by courts in resolving disputes related to the upbringing of children” // <https://lex.uz/docs/1447402>)
6. Соглашение о порядке осуществления родительских прав по воспитанию и содержанию несовершеннолетних детей: рекомендации по составлению// https://pravovsem59.ru/pravovoe-prosveshchenie/analitika/soglashenie-o-poryadke-osushchestvleniya-roditelskikh-prav-po-vospitaniyu-i-soderzhaniyu-nesovershen_1531372856/ (Agreement on the Implementation of Parental Rights Regarding the Upbringing and Maintenance of Minor Children: Guidelines for Drafting)
7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция// https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml (Convention on the Rights of the Child)
8. Семейный кодекс Российской Федерации// https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_8982/ (Family Code of Russian Federation)
9. Bürgerliches Gesetzbuch (German Civil Code)//<https://www.gesetze-im-internet.de/bgb/BJNR001950896.html>
10. Children Act 1989"<https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1989/41/contents>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-1

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000